

## Маънавий ҳордиқ

Тинчлик! Бу сўз шу қадар муқаддаски, унинг замирида машаққат, маъсулият, шунингдек жасорат ётади. Ёшларимизни ҳарбий- ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий кадриятлар, шунингдек миллий мафкура асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади.. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факультети талаба-ёшлари институтимизнинг Маъданият саройида “Тинчлик ортида филмини тамоша қилишди.



Режиссёр: Акбар Бектурдиев

Сценарий муаллифлари: Абдуқажом Йўлдошев, Мансур Абдухолиқов, Сардор Ҳамроев. Фильмда ҳар бир инсон киндик қони тўкилган юрт ва унинг ҳимояси учун садоқат билан хизмат қилиши асосий ғоя сифатида акс эттирилган. Мазкур фильмда бош қаҳрамон Зафарнинг ҳарбий учувчи бўлиш орзуси билан яшаши, шу касбни эгаллаш учун машаққатларга чидаши ва охир-оқибат ўз билими, жисмонан бақувватлиги билан мақсадига эришиши гавдалантирилган. Ёшларни мафкуравий тушунчалар билан тарбиялар эканми, аввало уларда ватанпарварлик руҳини шакллантирмоқ керак.



**“Қишлоқ ва сув хўжалиги  
энергия таъминоти” факультетининг Ёшлар  
билан ишлаш декан ўринбосари О.Ҳабибуллаев  
ТИҚХММИ матбуот хизмати**